



МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Дунёнинг геосиёсий манзараси тобора ўзгариб бормоқда. Турли минтақавий можаролар кенгайиб, қуролланиш пойғаси авж олаётган, хавфсизликка таҳдидлар кучайган, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда халқаро дипломатия заифлашаётган бир даврда тинчлик ва хотиржамлик энг қиммат бойликка айланди.

Давлатимиз мустақиллиги ва суверенитети, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг осойишталиги ортида ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган юрт қалқонлари турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев раислигида 13 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилишида бу ҳақиқат яна бир бор эътироф этилди.

Аёнки, ўтган йилларда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси юксалиб, мудофаа саноатининг салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, Мудофаа вазирлиги қўшинларида янги тактик усуллар жорий этилиб, машғулотлар сони ва шиддати 1,5 баробарга оширилди, учувчисиз учиш аппаратлари бўлинмалари ва мутахассислар тайёрлаш марказлари ташкил этилди. Армияни рақамлаштириш бўйича бошланган ишлар натижасида ахборот хавфсизлиги, бошқарув ва кўрсатилмаётган хизматлар самарадорлиги сезиларли даражада ўсди.

Ҳарбий таълим тизими ҳам тубдан янгиланиб, малакали профессор-ўқитувчи ва инструкторлардан иборат Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Бирок, юқорида қайд этганимиздек, ҳозирги мураккаб давр ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Йиғилишда бу борадаги устувор вазифалар санаб ўтилди. Зотан, бугун давлатларнинг мудофаа қудратига баҳо беришда уларнинг ҳарбий техникалари ва аскарлари сонига қараш

МУНОСАБАТ



кифоя қилмайди. Эндиликда мудофаада сунъий интеллект, рақамли бошқарув, узоқ масофага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, кибер ва робот технологиялар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бошқача айтганда, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш орқали армиянинг янги қиёфасини шакллантириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда муддатли ҳарбий хизмат фақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки ёшларимиз жамиятда мустаҳкам ўрнини топиши учун уларни меҳнат бозорига ва мустақил касбга тайёрлаш босқичи сифатида ташкил этилиши кераклигига урғу берилди. “Муддатли ҳарбий хизматни ўташ – ёшлар учун муваффақият йўлига айланиши керак”, деди давлат раҳбари.

Бунинг учун эса эндиликда армияда ёшлар камида битта касб эгаси бўлиб чиқиши бўйича мутлақо янги тизим яратилади. Ҳарбий қисмлардаги асосий йўналиш ва

мутахассисликлардан келиб чиқиб, аскарларни касбга тайёрлаш бўйича 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади. Дастурни яқунлаган аскарлар малака имтиҳонидан ўтказилиб, уларга касб сертификати берилади.

Ҳар йили 5 минг аскар саралаб олиниб, “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилади.

Аскарларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмнинг ўзида олийгоҳга ўқишга кириш учун имтиҳон топшириш имконияти яратилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабаликка қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат яқунланиши билан олийгоҳда ўқишини бошлайди.

Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида таҳсил оломоқчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификати олиш харажатлари қоплаб берилади. Агар улар олийгоҳларга контрактга кирса, фойсиз таълим кредити

ажратилади. Бундан ташқари, армиядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларнинг кредит харажатининг 6 фоизи давлат томонидан қопланади, давлат ташкилотларига ишга кирмоқчи бўлган ёшлар учун Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан ўтказиладиган тест балларига 10 фойзлик имтиёз бериш амалиёти жорий қилинади. Хусусий секторда фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга касбни эгаллаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилади.

Бундай беқиёс имконият ва имтиёзлар, шак-шубҳасиз, ёшларимизда энг шарафли иш – муддатли ҳарбий хизматни ўташга қизиқиш ва иштиёқнинг янада ортишига, жанговар-тактик билим ва кўникмаларни пухта эгаллаган, ватанпарвар, жасур фарзандларимиз сафи кенгайишига туртки беради.

Йиғилишда муҳандислик-техника, киберхавфсизлик ва

ахборот хуружларига қарши курашиш соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, қўшинларни сунъий интеллект асосидаги роботлашган мажмуалар ва учувчисиз тизимлар, енгил ҳарбий техника, замонавий қурол-аслаҳа, разведка воситалари билан жиҳозлаш, мудофаа саноати ривожини янги босқичга чиқариш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар меҳнатини қадрлаш, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланган берилади. Замон талабларига мос равишда Мудофаа доктринаси ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келгани кўрсатиб ўтилди.

Улуғбек ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Халқаро ишлар,
мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси.

ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС: ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти жуда қизиқ жараён. Сабаби, у ерда муҳокама қилинадиган ҳар бир масала, у қайсидир қонунга техник жиҳатдан тузатишга қаратилган бўладими ёки қайсидир масъулни эшитув бўладими, албатта, тўғридан-тўғри мамлакат ҳаётига дахлдор бўлади.



Кеча бўлиб ўтган қўйи палата йиғилиши ҳам бундан мустасно эмас. Унда давлатчилигимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган масалалар муҳокама қилинди.

► (Давоми 2-бетда)

ЖАРАЁН

ХАЛҚ МУҲОКАМАСИ – СТРАТЕГИЯСИ

Хабарингиз бор, 2025 йили 26 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва кўп миллатли халқимизга йўллаган Мурожаатномасида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қайта кўриб чиқилиши, юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳоли фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилиши баён этилганди.

Икки йил олдин мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилга довр 160 миллиард долларга етказиш мақсади қўйилган эди. Энди бу маррага 2026 йилнинг ўзида эришиш кутилмоқда. Қолаверса, 2030 йилга бориб юртимиз аҳолиси сони 40 миллиондан ошиши прогноз қилинган.



► (Давоми 6-бетда)

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТДИР

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида камбағаллик муаммосини ҳал этиш алоҳида ўрин тутмоқда. Камбағалликни қисқартириш ҳаракатлари 2020 йилда жамиятимизда камбағаллик муаммоси очик тан олинганидан бошланди.



► (Давоми 4-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС:

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда дастлаб “Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманини тугатиш, Оқдарё, Пастдарғом, Тойлоқ туманлари ва Самарқанд шахри чегараларини ўзгартириш тўғрисида”ги палата қарори лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Самарқандни “Миллионли шаҳар”га айлантириш, замонавий архитектура ечимларига эга турар жой ва нотурар биноларни қуриш, аҳолининг уй-жойларга бўлган талабини тўла қондириш, ҳудудларни инфратузилма билан таъминлаш орқали аҳолига муносиб яшаш шароитини яратиш мақсадида Самарқанд тумани алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида тугатилмоқда.

Шундан келиб чикиб, Оқдарё туманидан 1 410,6 гектар, Пастдарғом туманидан 1 242,3 гектар, Самарқанд туманидан 13 308 гектар, Тойлоқ туманидан 1 265,6 гектар ер майдони Самарқанд шахри таркибига ўтказилмоқда.

Шаҳардан 518 гектар ва Самарқанд туманидан 1 551 гектар ер майдони Пастдарғом тумани, Самарқанд туманининг 28 295 гектар ер майдони эса Тойлоқ тумани таркибига ўтказилмоқда. Бунда шаҳар ва туманлар таркибига ўтказилаётган ерларнинг амалдаги ер фонди тоифалари ўзгартирилмаган.

Ушбу чегаралар ўзгартирилиши ҳисобиغا Самарқанд шаҳрининг ҳудуди 11,8 минг гектардан 28,9 минг гектарга кенгайиб, янги лойиҳалар учун имкониятлар яратилмоқда. Бу орқали шаҳар аҳолиси 604 минг нафардан 882 минг нафаргача ошади. Шунингдек, “Ширин” шаҳарчаси, “Темир йўл орти” ҳудуди ва “Қорасув-2” массиви ҳудудларида 309 минг аҳоли учун 710 та кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади.

Самарқанд шаҳрида янги туристик лойиҳалар, ўйин майдонлари, аквапарк, ҳаво шарлари, истироҳат боғлари каби кўнгилочар туризм ва дам олиш масканлари ташкил этилиб, янги ашил ҳудудлар ва хизмат кўрсатиш объеклари ва логистика марказлари қурилади.

Мажлисда чегараларга ўзгаришлар киритиш масаласи тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар, Оқдарё, Пастдарғом, Тойлоқ ва Самарқанд туманлари Кенгашлари ҳамда вилоят Кенгашида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картографик чизмаси ва чегаралар чизигининг таснифи маъқуллангани қайд этилди.

Оқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан қарор лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мажлисда ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда заргарлик саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, республикада ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмларининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда заргарлик буюмлари экспортини оширишга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада экспортчиларни қўллаб-қувватлаш, ярим тайёр заргарлик буюмлари билан боғлиқ жараёнларни такомиллаштиришга доир чораларни кўриш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, улардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг ноқонуний айланмасини камайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан қимматбаҳо металллардан тайёрланган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг ҳулосасини олиш назарда тутилмоқда.



Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш, маҳаллий заргарлик саноатини ривожлантириш, қонуний фаолият олиб бораётган маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ҳамда сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш ҳамда шаҳарсозлик соҳасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ваколатли органлар рухсатсиз ўзбошимчалик билан турар жой биноларини қуриш ҳолатлари сақланиб қолаётгани, айрим объектларда сейсмик хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя этилмаётгани соҳадаги давлат бошқарувини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида кўп квартирали уй-жойларни рухсатсиз қурганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда. Жумладан, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, бундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, мазкур қоидабузарлик такроран содир этилган тақдирда, жиноий жавобгарлик белгиланш тақлиф этиляпти.

Шаҳарсозлик кодексига эса “мастер режа” тушунчаси шаҳарсозлик ҳужжатларининг алоҳида тури сифатида мустаҳкамланмоқда. Ушбу ҳужжат ҳудудларнинг аниқ муаммоларини бартараф этиш, шаҳарсозлик, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ечимларни уйғунлаштириш, шунингдек, ҳудудларни қисқа, ўрта ва узоқ муддатли ривожлантиришни режалаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида кўприклар ва тоннеллар, шунингдек, потенциал хавфи юқори бўлган объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш учун берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатини чекланмаган ҳолда белгилаш амалиётини бекор қилиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлашда хабардор қилиш тартибидан рухсатнома бериш тизимига ўтиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хавфсиз ва сифатли уй-жойлар барпо этилишини таъминлаш, шунингдек, сейсмик

хавфсизлик соҳасига замонавий ва самарали ёндашувларни жорий этишга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Қизғин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Навбатдаги қонун лойиҳаси давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унда давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, илгари қонуний имконияти бўлмаган ота исмини болага фамилия сифатида бериш амалиётини жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, “Ўзархив” агентлиги тизимини оптималлаштириш, архивнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ҳуқуқий асосларини белгилаш кўзда тутиляпти.

Лойиҳа билан лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш тартиби ҳам соддалаштирилиб, 3 ойгача ўтиш ва мослашиш даврини белгилайдиган “Бизнесга лицензиясиз кириш” махсус режимини жорий этиш акс этмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни бошлашда ортқича тартиб-таомиллардан ўтиш нормаларни бартараф этиш, архив ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини тартибга солиш, архив ҳужжатларини электрон шаклда сақлашнинг асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Шунингдек, лойиҳа матнини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди.

Мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига қирадиган хизматларни кўрсатиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги ва “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида қўшимча қўшилган ҳисобланадиган тиббий ёрдам турлари белгиланишини, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилган шахслар тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Яъни, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмидан ортқича тиббий хизматлар ва бошқа

хизматлар қўшимча хизматлар бўлиб, улар пулли асосда амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Оилавий шифокорнинг ёки тиббиёт бригадасининг йўлланмасисиз мурожаат қилган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳам қўшимча хизмат ҳисобланади. Бундан шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш мустасно.

Шунингдек, соғлиқни сақлашни бошқарининг инновацион моделини жорий этиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатига олишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тиббиёт соҳасида, олий ёки касбий таълим олганлик тўғрисидаги диплом берилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган шахслар эга бўлиши белгиланмоқда. Бунда тиббиёт соҳасида олий ёки касбий таълим тўғрисидаги диплом берилганда яқуний давлат аттестациясининг натижасига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини самарали таъминлаш, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш, қонунчилик ва малака талабларига мос келмайдиган шахсларнинг тиббий ҳамда фармацевтик фаолият билан шуғулланишининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда фитосанитар зарарсизлантириш фаолиятини лицензиялашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Мазкур ҳужжат фитосанитар зарарсизлантириш фаолиятини юридик шахслар томонидан лицензия асосида амалга ошириш тартибини, шунингдек, халқаро тажриба асосида фитосанитар зарарсизлантириш турларини белгилашга қаратилган.

Муҳокамаларда таъкидланганидек, сўнгги йилларда ижро органлари томонидан амалга ошириладиган айрим фаолиятларга хусусий секторни кенг жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Янги қонун лойиҳаси ҳам ушбу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида хизмат қилади.

Хусусан, фитосанитар зарарсизлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш, ушбу фаолиятни юридик шахслар томонидан амалга ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт ва экспорт қилувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, зарарсизлантириш тадбирлари инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлган усуллар асосида амалга оширилиши белгиланмоқда. Қайд этилганидек,

илғор хорижий мамлакатларда фитосанитар зарарсизлантиришнинг иссиқлик, совутиш, вакуум усуллари, ионлашган радиоактив нурланиш орқали ҳамда инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсири кам бўлган кимёвий воситалардан фойдаланиш амалиёти кенг йўлга қўйилган.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ТУРИЗМ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Мажлисда Туризм қўмитаси раиси А.Аққуловнинг “Сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган шаҳарларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровига берилган жавоби кўриб чиқилди.

Унда келтирилишича, 2025 йилнинг 11 ойида мамлакатимизга 10,7 миллион нафардан ортқ хорижий сайёҳ ташриф буюрган. Уларга 4,4 миллиард АҚШ долларини миқдорда туризм хизматлари кўрсатилган. Қўшни давлатлар ва МДҲ мамлакатларидан келган сайёҳлар сони 2024 йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 баробарга, узоқ хориж давлатларидан келган сайёҳлар сони эса 1,5 баробарга ошган.

Шунингдек, ўтган йилда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида аҳолининг ҳудудларга 23,7 миллиондан ортқ ташрифлари амалга оширилган.

Ҳудудларда жами 954 та жойлаштириш воситалари, жумладан, 128 та меҳмонхона, 506 та оилавий меҳмон уйи, 268 та хостел ва 52 та бошқа турдаги жойлаштириш объектлари фаолияти йўлга қўйилган. Туризм маҳаллалари ва қишлоқлари сони 32 тага етказилиб, туризм ва унга ёндош соҳаларда 16,1 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Туристлар кўп ташриф буюрадиган жойлар, аҳоли гавжум ҳудудлар ҳамда автомобиль йўллари бўйлаб республика миқёсида 11 мингга яқин санитария-гигиена шохобчаларининг ҳолати яхшиланди. Шундан 6 мингдан ортқи янгидан барпо этилди. Натижада республикадаги барча ёқилги қуйиш шохобчаларининг замонавий санитария-гигиена объектлари билан таъминланиш даражаси 20 фоиздан 98 фоизга етказилди.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг туризм соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштиришга қаратилган қарори ижроси доирасида жами қиймати 558,5 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи 56 та лойиҳа амалга оширилиб, улар орқали 6 141 та янги иш ўрни яратилди. Йирик шаҳарлар ва ҳудудларда туристлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор инфратузилма объектлари ташкил этилди.

Хусусан, Бухоро вилоятида 3 та мотел, Наманган вилоятида 1 та кемпинг ва 1 та кемпинг оромгоҳи, Навоий вилоятида 1 та кемпинг оромгоҳи, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида мотеллар ҳамда кемпинг оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Депутатлар ушбу йўналишда қўмита томонидан муайян ишлар амалга оширилганини эътироф этиб, шу билан бирга, туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш, туристик маршрутлар сонини кўпайтириш, туризм қишлоқлари сонини ошириш, йирик шаҳарлар, туман марказлари ва автомобиль йўллари бўйларида замонавий, енгил конструкцияли санитария-гигиена шохобчаларини кўпайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Мажлисда мазкур масала юзасидан доимий парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, Туризм қўмитаси раисининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Бобур ЭЛМУРДОВ
капитан, филология фанлари
бўйича
фалсафа доктори (PhD)

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ
УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТДИР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўшанда давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги камбағаллик даражаси 12-15 фоиз атрофида эканини маълум қилган эди. Бу 4-5 миллион аҳоли етарли даромад манбаига эга эмаслигини, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганини билдиради.

Таҳлилларга кўра, тизимда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимизда камбағаллик даражаси ўтган йил бошидаги 8,9 фоиз кўрсаткичдан 5,8 фоизга тушди. Мақсадли ва манзилли ислохотлар натижасида 2025 йилда 5 млн аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5% дан 4,9 га пасайди. Қарийб 1,5 млн эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди. 1435 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айланди. Тўғри, камбағаллик ҳар қайси замонда ҳам бўлган, ҳар бир мамлакатда бор. Бунинг инкор этиб бўлмайди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси "Мунозара майдони" клубининг навбатдаги сайёр сессиясида "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури ва кам даромадли аҳолини қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари" мавзуси турли мутасадди ташкилотлар вакиллари, экспертлар ва депутатлар иштирокида муҳокама қилинди.

Сессия спикерлари кун тартибидagi масаланинг долзарблигини очиб беришди.



Бобур МАЛИКОВ,
Камбағаллик ва меҳнат бозори
институтини Камбағаллик ва меҳнат
бозори соҳасидаги халқаро
тажрибаларни ўрганиш бўлими
бошлиғи:

– Камбағаллик инсон зиммасидаги доимий юклама, мақом ёки мартаба эмас, балки муайян муддат кузатилиши мумкин бўлган жараён. Камбағалликка тушган инсонларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан биридир.

Айтиш керакки, бу борадаги энг муҳим масалалардан бири одамларни боқимандаликдан чиқаришдир. Яна бир энг асосий масалалардан бири камбағал бўлган одамларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий давлат сиёсатининг асосий тамойиллари бўйича уларга ёрам беришдир.

Камбағаллиқни реестрга киритадиган масъуллар КРИ да самарадорлиқни ошириш, уни кўтариш мақсадида аслида камбағал бўлмаган одамларниям ижтимоий дафтарларга киритиб, уларнинг сафини кўпайтираётган ҳоллар ҳам учраётди. Реестрга кирган одамлар бундан хабари ҳам йўқ.

Демак, манзилли камбағалликдан чиқаришга эътиборни кучайтириш керак. Бу борада камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун "Ижтимоий дафтарлар" жамғармалари орқали янги инструментлар жорий қилинди.

Бир хил ҳокимиятларда камбағалликдан чиқариш учун "аҳолига моддий ёрдам берилса бўлди", деган қараш мавжуд. Аҳолига моддий ёрдам берган билан уни камбағалликдан чиқариб бўлмайди. Бизда ёрдам ва боқимандалик ўртасида кўринмас бир чиқиқ бор. Биз ана шу чиқиқни аниқлаб, аҳолини иш билан таъминлаш орқали боқимандалиқни йўқотиш, камбағаллиқни камайтириш чораларини изчил кўриб боришимиз керак, деб ўйлайман.



Анваржон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзДП
фракцияси аъзоси:

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг марказида аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағаллиқни қисқартириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш масалалари турибди. "Инсон қадри учун" тамойили асосида ижтимоий ҳимоя ва фаровонлиқни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Шу мақсадда Ўзбекистонда "Камбағалликдан фаровонлик

сари" миллий дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Миллий дастурнинг муҳим йўналишларидан бири — бандлиқни таъминлашдир. Шунинг учун касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва грантлар орқали аҳолининг ўз бизнесини бошлашига кенг имкониятлар яратилмоқда.

Фикримизни мисоллар орқали изоҳлайдиган бўлсак, аҳолига 232 минг гектар ер майдони деҳқончилик учун бўлиб берилгани натижасида 770 минг одам даромад манбаига эга бўлди.

Томорқа эгаларига серҳосил уруғни танлаш, ишни тўғри ташкил этиш орқали ердан даромад олишни кескин ошириш мақсадида Термиз туманида "Томорқа мактаби" ташкил этилди.

Томорқага илм билан ёндашиб, бир йилда Сўрхондарё шароитида 5 мартагача экин экиш ўргатиляпти. 3 минг нафар эҳтиёжманд аҳоли цитрус мева, анжир, хурмо, гул етиштириш бўйича махсус курсларда

ўқитилди.

Янги йилдан "Тенг имкон – инклюзив бандлик" лойиҳасини жорий этиб, ногиронлиги бўлган 40 минг одамни ишли қилиш муҳим вазифалар қаторига киритилди. Бандлик жамғармасидан уларга 30 млн сўмгача фоизсиз ссуда ажратиш йўлга қўйилади.

Камбағалликка қайта тушиш хавфи мавжуд бўлган оилаларга ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар сақлаб қолинади. Уларга 6 ой мобайнида моддий ёрдам ва болалар нафақаси тўланиши давом эттирилади. Боғча ва тўғарак харажати қоплаш, даволаниш ордери каби 110 та ижтимоий ёрдамдан 12 ой давомида қўшимча фойдаланиш имкони берилди.

Жорий йилда 250 мингдан ортиқ "соядаги" иш ўринларини легаллаштириш орқали расмий бандлиқни ошириш мақсад қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, камбағалликка қайта тушиш хавфи мавжуд бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқ демократик партияси камбағаллиқни рақам ва ҳисобот

учун кўрсаткич сифатида эмас, инсон ҳаёти ва қадрига дахлдор долзарб муаммо сифатида кўради.

Камбағалликдан чиқариш инсоннинг меҳнатига ишонч билдириш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг ҳаёт сифати ошишини таъминлашдир.

Шу нуқтаи назардан парламент томонидан қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилмоқда.

Келгусида манзилли ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосга эга қилиш, Ижтимоий ҳимоя ягона реестрининг мақоimini белгилаш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш, камбағаллиқни ўлчаш мезонларини стандартлаштириш ва шаффоф механизмларни жорий этиш бўйича олдимизда муҳим вазифалар турибди.

Шу билан бирга оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, касб-ҳунарга ўқитиш, инфратузилма яратиш ва маҳалла даражасида иқтисодий фаоллиқни кучайтириш зарур.

Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва уй-жой сиёсатидаги ислохотлар камбағаллиқнинг авлоддан авлодга ўтишининг олдини олишга хизмат қилади.



Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
Макроиқтисодий ва
ҳудудий тадқиқотлар
институтини бош илмий
ходими, иқтисод
фанлари номзоди:

– Камбағаллиқни қисқартириш мамлакатимизда умумийли масала сифатида белгиланган. Бу бир кишининг ёки бир ташкилотнинг вазифаси эмас, балки ҳаммамизга дахлдор масала.

Ҳар бир мутасадди ташкилотнинг, ҳукуматнинг мақсади шундай бўлиш керакки, камбағал оилада камбағаллик авлоддан авлодга давом этмаслигига ҳаракат қилиш зарур.

Биз мазкур масалада мунтазам равишда сўровлар ўтказамиз, тизимни таҳлил қилиб борамиз. Ўзбекистонда кўпроқ илмий хулосаларда ҳам, охириги сўровларимизда ҳам 50 фоиздан кўпроқ иштирокчи

"Камбағаллиқка тушишингизга сабаб нима?" деганда ишсизлиқни кўрсатган.

Бунинг иқтисодий ва ижтимоий сабаблари бор, албатта. Биз кўп ҳолларда бунга ижтимоий сабабларни келтираемиз. Аммо асосан иқтисодий омиллар бунга таъсир қилади.

Масалан, айтилиқ, кўпчилик ўйлайдики, кўп болали оила бўлиш камбағаллик сабабларидан бири деб. Аммо таҳлилларга кўра, бу муаммоларнинг бешинчи омилига тўғри келди. Сўрономаларда иштирокчиларнинг 8 фоизи бунга сабаб қилиб кўрсатишган. Аммо бу асосий муаммо эмас...

Ҳозир бу борадаги муаммоларни ечиш бўйича механизмларимиз кўп. Яратаётган имкониятлар ҳам кенг. Ҳозир шундай механизмлар борки, фуқаро уйдан туриб ҳам ишлаш, даромад топиш имкониятлари бор.

2023 йил декабрь ойида МҲТИ томонидан "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри", "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" орқали ёрдамлардан фойдаланаётган аҳоли қатлами тўғрисида маълумотларни тўплаш учун сўров ўтказилди. Яъни, натижадорлик чегарасини аниқладик.

Сирдарё вилоятининг 4 та туманида ўрганиш олиб борилди. Ёрдамлардан фойдаланган 154 та оила

билан суҳбат ўтказилди.

Таҳлилларга кўра, маҳалла томонидан тақдим этиладиган 5 турдаги имтиёз ва ёрдамлар орасидан 3 таси натижадорлик чегарасидан пастда жойлашган.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан тақдим этиладиган 12 турдаги имтиёзлардан 10 таси, хотин-қизлар фаоллари томонидан тақдим этиладиган 17 турдаги имтиёзлардан 12 таси натижадорлик чегарасидан паст.

Таҳлил қилинган умумий 52 та имтиёз ва ёрдам турлари орасидан 39 таси МҲТИ экспертлари ишлаб чиққан натижадорлик чегарасидан паст эканлиги аниқланди. Бу шунга кўрсатадики, ёрдамларнинг катта қисми аҳолининг реал эҳтиёжларига мос келмаяпти ёки улар ҳақида етарлича маълумотга эга эмас.

Имтиёз ва ёрдамларнинг самарадорлиги нафақат маҳалла фаолларининг малакасига, балки уларнинг аҳоли билан ишлаш кўникмалари ва ёрдам турларини тўғри етказиб бериш қобилиятига ҳам боғлиқ.

Кўплаб ҳолларда аҳоли ўшбу имтиёзлар тўғрисида етарлича хабардор эмас. Маълумотнинг етишмаслиги ёрдамлардан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилади.



Санжар СОБИРЖОНОВ,
халқ депутатлари
Юнусобод туман
Кенгаши котибияти
мудирини, Тошкент
давлат иқтисодиёт
университетини
профессорини,
иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа
докторини:

– Камбағаллиқни қисқартиришда маҳаллий бошқарув органлари, хусусан, маҳаллий кенгашларнинг ўрни жуда катта аслида. Чунки улар бевосита аҳоли орасида фаолият олиб боради, уларнинг муаммоларини яқиндан билади.

Биламизки, ҳар бир депутат учун ҳар бир маҳаллада "Оила портфели" яратилган. Бу орқали у ёрдамга муҳтож бўлган аҳолини ўрганади ҳамда улар тўғрисида махсус йўл харита тузилади. Яъни, ўшбу йўл харитада ёрдамга муҳтож бўлган аҳолини дастлаб кириб келган пайти унинг ижтимоий ҳолати қандай бўлган, амалга оширган чора-тадбирлар

ва энг охирида натижа қандай бўлди, деган саволларга жавоб берилади. Ушбу портфел орқали муаммоларга ечим топиш кун тартибидagi асосий масала сифатида депутатлар томонидан ўрганилади.

Оилавий фаровонлиқни кучайтирувчи механизмларга тўхталадиган бўлсак, бунда биз муаммо, сабаб ва ечим харитасини йўлга қўйганмиз.

Аввало, ҳар бир оила бўйича реал эҳтиёж диагностикасини ўтказиш белгиланган. "Бир марталик ёрдам эмас", балки олти ойлик индивидуал режа бўйича аҳолини қўллаб-қувватлаш назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Оила портфели" ва унга асосланган йўл хариталари тизими камбағаллиқка қарши курашда сифат жиҳатдан янги ёндашувни шакллантирмоқда. Ушбу механизм орқали ҳар бир оиланинг муаммоси юзаки эмас, балки сабаблари билан биргаликда ўрганилиб, манзилли ва узоқ муддатли ечимлар ишлаб чиқилмоқда.

Бир марталик ёрдам бериш амалиётидан воз кечиш, олти ойлик индивидуал режалар асосида қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш аҳолининг ижтимоий ҳолатини барқарор яхшилашга хизмат қилади. Энг муҳими, депутатларнинг ўшбу жараёндаги доимий иштироки ва назорати муаммоларнинг амалий ечим топишини таъминлаб, оилаларни камбағаллик ҳолатидан чиқаришга қаратилган тизимли ишларнинг самарадорлигини оширади.

Мунозара майдонида
баҳслар қизгандан
қизиди. Саволлар
жуда кўп. Мутасадди
ташкilotлар вакиллари,
экспертлар ва
депутатларнинг фикрлари,
савол-жавобларни тўлиқ
баён этиш учун эса бир
саҳифанинг ўзи камлик
қилади. Энг муҳими,
партия фаоллари,
депутатлар қатъий туриб
сайловчилар, электорат
манфаатларини ҳимоя
қилишди, эътирозларини
билдиришди,
таклифларини айтишди.

ХДП фаоллари
камбағаллиқни
қисқартириш бўйича
белгиланган вазифалар
ижросини ҳар бир
ҳудудда қатъий
депутатлик назорати
олиш зарурлигини
таъкидлашди. Айниқса,
давлат ёрдамларидан
тўғри фойдаланиш
ҳолатини жойларда
танқидий таҳлил
қилиш, бандлик ва
янги иш ўринлари
ҳақидаги маълумотлар
ҳаққонийлигини
партия депутатлари
масъулигида маҳаллий
кенгашлар сессиялари
муҳокамасига олиб чиқиш
чоралари кўрилиши
билдирилди.

Муаммолар, таклифлар
умумлаштирилиб, партия
фракциясига тақдим
этилди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

Ўзбекистон Президентининг парламентга ва халқимизга Мурожаатномасида Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар белгиланган.

Мурожаатнома нафақат келгуси йил учун ҳаракатлар дастури, балки Янги Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий давлат моделининг аниқ концептуал ифодаси сифатида ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун Халқ демократик партияси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тарғибот-тушунтириш ишларини изчил йўлга қўйиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган энг муҳим вазифаларни белгилаб олмоқда.

Тошкент шаҳар партия кенгашида ўтказилган таҳлилий-танқидий йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаолияти атрофлича муҳокама этилди.

Қайд этилдики, Мурожаатномада депутатлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Депутат сўровларининг ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниши, ушбу жараёнга қатъий институционал ёндашув жорий этилиши маҳаллий Кенгашларнинг назорат функцияси янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади. Бу эса маҳаллий вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги ролини янада оширади.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолиятини янада кучайтириш кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифа экани таъкидланди.

Ўрганишларда аниқланишича, Тошкент шаҳар Кенгаши партия гуруҳидаги 9 нафар депутат йил давомида 13 та депутат сўрови юбориб, ундан 7 таси ижобий ечим топган. Туман Кенгашларидаги 47 нафар депутат 91 та сўров юборган бўлса, уларнинг 38 таси ижобий ҳал этилган. Бу рақамлар пойтахт ҳудудида электротар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, партия позициясини фаол намоён этиш имконини бермаслиги, сарловчиларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишда қатъият кўрсатиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда айрим туман кенгашларида аъзолар билан ишлаш, тарғибот тадбирларини кенг қамровда ўтказиш йўналишларида сусткашликка йўл қўйилаётгани манзилли таҳлил қилинди. Пойтахтимиз туман Кенгашларидаги айрим партия гуруҳлари сессияга масалалар олиб чиқиб, амалий натижага эриша олмаётгани қайд этилди. Айрим депутатлар эса сўров юбориб, мурожаатларни тизимли ҳал қилиш масаласига етарлича эътибор қаратаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мурожаатномада, айниқса, ижтимоий йўналишда илгари сурилган ғоя ва вазифаларни рўёбга чиқариш партия

МУРОЖААТНОМА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ ҚИРРАЛАРНИ ОЧМОҚДА

ташкilotлари ва депутатлик бирлашмаларидан юқори масъулият талаб қилади.

Қайд этилдики, Мурожаатномада белгиланган устувор вазифалар маҳаллий Кенгашлар учун янги имкониятлар очмоқда. Маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги оширилиши, туман ва шаҳар даражасида молиявий манбаларни кенгайтириш, лойиҳавий ёндашувни жорий этиш — буларнинг барчаси маҳаллий Кенгашларни ҳудудий тараққиётнинг асосий драйверига айлантиришга қаратилган.

Халқ демократик партияси сўл қанот позицияда эканидан келиб чиқиб, Мурожаатномада келтирилган ижтимоий масалалар, бандлик, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиёт сифатини ошириш, маҳаллаларда ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш каби йўналишларда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашлари сессиялари муҳокамасига партия электоратини ўйлантираётган масалаларни олиб чиқиш, уларни ҳал қилиш бўйича ижро ҳокимиятининг масъулиятини ошириш, бир сўз билан айтганда, партиянинг сиёсий позициясини, электротар манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш бўйича режалар илгари сурилди.

**Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:**

- Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлди.

Албатта, бу галги Мурожаатнома ҳам халқимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Айниқса, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши чуқур сиёсий ва ижтимоий маънога эга. Бу одамларимиз орасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини шакллантириш, инсонларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун қулай шароитлар яратиш, маҳаллани аҳолининг дардини эшитадиган, муаммоларни жойида ҳал этадиган, ижтимоий адолатни таъминлайдиган муҳим институтга айлантириш учун катта замин яратади. Чунки

маҳалла ривожланса, бутун жамият, мамлакат ривожланади.

Жумладан, 2026 йилги Давлат дастури доирасида юртимиздаги 9 мингдан ортиқ маҳаллада инфратузилмани яхшилаш, иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни



**Аброр ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари:**

ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа этиб белгиланишига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, маҳалла инфратузилмасига 20 триллион сўм маблағ ажратилиши, ҳар бир сўм аҳоли учун қўшилган қиймат яратиши шарт экани белгилаб қўйилгани бу соҳада қатъий ва тизимли ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

Халқ вакили, партия фаоли сифатида биз учун маҳалла билан ишлаш, унинг муаммоларини қонунчилик ва парламент назорати орқали ҳал этиш энг устувор вазифалардан биридир. Чунки ижтимоий ҳимояни кучайтириш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини даромадли қилиш, маҳаллаларни ривожлантириш ҳамда янги меҳнат бозорини шакллантириш Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва ижтимоий йўналтирилган сиёсий позицияси билан чамбарчас боғлиқ.

Демак, Мурожаатномада белгиланган йўналишларни жойларда кенг тарғиб қилиш, аҳолига етказиш ва уларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиш барчамизнинг

муҳим вазифамиздир. Бу аввало, партия депутатлари орқали маҳаллий Кенгашларга аниқ таклифлар киритиш, ижтимоий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилинишида ташаббускор бўлишни тақозо этади.

устувор вазифаларни белгилаб олдик. Бу жараёнда аҳоли билан яқиндан ишлаш, фуқароларнинг муаммо ва таклифларини чуқур ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчидан, ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тўлиқ

ва тизимли етказиш, жойларда очиқ мулоқотлар ташкил этиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Иккинчидан, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик ва бандликни рағбатлантириш, ёшлар ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Депутатлик гуруҳлари ва партия фаолларининг масъулиятини ошириш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳаллий муаммоларни ҳал этишда давлат органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Мурожаатномада белгиланган ижтимоий ислохотларни амалга оширишда Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг муҳим ўрни бўлиши кераклиги қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича 2026 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ижрога йўналтирилди.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.**

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ВОБКЕНТ: МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ



Халқ депутатлари Вобкент тумани Кенгаши депутати М.Хайруллаев томонидан туман “Инсон” ижтимоий хизматлари марказига юборилган депутатлик сўрови асосида бир муаммога ечим топилди.

Гап шундаки, депутатимизга Вобкент туманининг Пахтакор кишлоғида яшовчи 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган Анвар Ҳақимов томонидан унинг таъмирталаб ҳолга келган ногиронлик аравачасини ангилисига алмаштириш бўйича мурожаат келиб тушган эди.

Мурожаатга асосан юборилган депутатлик сўрови натижасида А.Ҳақимовга “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан янги, сайр қилишга мўлжалланган ногиронлик аравачаси олиб берилди.

ШҲРЧИ: ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги қатор ободонлаштириш ишлари Ўзбекистон ХДП туман Кенгаши депутати, “Нуроний” жамғармаси туман бўлими раиси Ў.Чўтбоев бошчилигида ҳудуддаги маҳалла нуронийлари, тадбиркорлар ва фаол аҳоли вакиллари иштирокида ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Жойилма” маҳалласининг Бешкапа кишлоғидан Бобур маҳалласи йўналиши бўйлаб пиёдалар йўлакчасини бетонлаш ишлари олиб борилди. Барпо этилаётган пиёдалар йўлакчасининг узунлиги 2,5 километрни ташкил этади.

Ташаббускорларнинг таъкидлашича, “Янги Ўзбекистон қиёфаси” ғояси нафақат ҳудуднинг ташқи кўринишини яхшилашга, балки жамоавий бирдамлик ва фуқаролик масъулиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



СИРДАРЁ: КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЯШАЙДИГАН КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ОБОД БЎЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси З.Шадиёева ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги депутатимиз Ш.Мамадеёйев Сирдарё туманида жойлашган Кўзи ожизлар жамиятига қарашли кўп қаватли уйларда бўлиб, у ерда яшовчи аҳоли билан мулоқот ўтказган эди.

Ўрганишларда уй-жойларнинг инфратузилмаси эскиргани, ичимлик суви ва канализация тармоқлари носозлиги, ҳудуд ободонлаштирилмагани ҳамда ижтимоий хизматлар билан боғлиқ бир қатор муаммолар маълум бўлган. Депутатларимиз тегишли давлат ташкилотлари ва мутасадди идораларга депутатлик сўрови юборишди.

Натижада бугунги кунда кўп қаватли уйларнинг ички ва ташқи коммуникация тизимлари таъмирланди. Ичимлик суви таъминотидаги узилишлар бартараф этилиб, канализация тизимлари янгиланди.

Шунингдек, ҳудуд ободонлаштирилиб, пиёдалар йўлаклари барпо этилди ҳамда ёритиш ва тозалаш ишлари йўлга қўйилди.

УРГАНЧ: МАҲАЛЛА АҲЛИ МАМНУН



Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутати Б.Аллабергеновга шаҳарнинг Ашхобод маҳалласи аҳолисидан мурожаат келиб тушди.

Унда айтилишича, маҳалла ҳудудидаги зах сувлари тўпланадиган анҳорнинг ҳолати фуқароларни ташвишга солган. Ёгингарчилик мавсумида у ерда сувнинг тўпланиб қолиши нафақат атроф-муҳитнинг санитария ҳолати ёмонлашувиغا, балки ёш болалар учун хавфли ҳудудга айланишига сабаб бўлган.

Шу боис учун аҳоли мазкур ариқни қазиш ва тозалаш ишларида депутатдан амалий ёрдам сўраган.

Фуқароларнинг мурожаатларини инобатга олган ҳолда депутат тегишли ташкилотлар билан боғланиб ҳамкорликда муаммони бартараф этди. Бу маҳалла аҳлининг мамнуниятига сабаб бўлди, албатта.

ЖАРАЁН

ХАЛҚ МУҲОКАМАСИ – СТРАТЕГИЯСИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлардаги тенденциялар ва динамиканинг ўзгариб бораётгани, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект, аҳоли эҳтиёжлари ҳам ҳар бир давлат учун янги вазифаларни кун тартибига қўяётгани кундай равшан.

Шулардан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг такомиллаштирилган лойиҳаси тайёрланди. Маълумотларга кўра, бу борада мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда илмий марказларнинг 350 нафардан ортиқ вакиллари иштирокида Стратегиядаги барча 444 та самарадорлик кўрсаткичи бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. “Ўзбекистон–2030” стратегиясининг такомиллаштирилган лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун uzbekistan2030.uz онлайн платформасига қўйилди.



Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги фармони билан тасдиқланган, 5 та устувор йўналишда 100 та вазифани қамраб олган “Ўзбекистон-2030” стратегияси мамлакат тараққиётининг стратегик мақсадларини ифодалаган концептуал дастурий ҳужжат ҳисобланади. Юқоридаги лойиҳа эса амалдаги ҳужжатнинг мантикий давоми бўлиб, унда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янги босқичга чиқариш, аниқ мақсаддан сифат ва натижадорликка ўтишнинг принципиал ўзвийлиги белгилаб берилган.

Хусусан, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитларни яратиш билан боғлиқ биринчи йўналишда ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ўз ифодасини топган. Мисол учун, болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраш баробарида барча МТТни юз фоиз компьютер синфи, тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муассасалари учун бепул автобусларни йўлга қўйиш, барча мактабларда касб-хунарга ўргатиш курсларини жорий этиш, педагог кадрларнинг билим ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, профессионал таълимни юксалтириш каби муҳим вазифалар ҳам акс этганки, буларнинг бари охир-оқибат инсон капитали ривожига кенг йўл очади. Инсон капитали эса мамлакат иқтисодиётини юксалтиришнинг, жамият ҳаётини яхшилашнинг ҳал қилувчи омилidir. Таълим ва илм-фанни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сўрватини жадаллаштириш, ушбу соҳа учун давлат бюджетидан сарф этиладиган харажатлар салмоғини ошириш эса давр талаби.

Худди шундай, аҳолининг ўртача умр давомийлигини 78 ёшга етказиш, бунинг учун давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағлар улушини 2030 йилга қадар ЯИМнинг 5 фоизига олиб чиқиш, юрак қон-томир касалликларидан эрта ўлимни (30-69 ёш) 27, саратон касаллигидан эрта ўлимни 5,2 фоизгача камайтириш, қандли диабет



ДАРҲАҚИҚАТ, “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК, ИҚТИСОДИЁТ, СИЁСАТ ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАЛАРИДА КЎП ҚИРРАЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПЛАТФОРМАСИ, ДЕЙИШ МУМКИН. УШБУ ЭВОЛЮЦИОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ЯНГИ РУҲ ВА ТАКОМИЛЛАШГАН МАЗМУНДА АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНИШИ АЙНИ ЗАРУРАТ.

касаллиги бор беморларни юз фоиз даволаш билан қамраб олиш вазифалари ҳам илгари сурилган. Соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш (55 ёш ва ундан катта бўлган аҳолининг 90 фоизини ҳар йили профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш, 40 ёш ва ундан катта фуқаролар ўртасида жисмоний фаол аҳоли улушини 50 фоизга ошириш), жамиятимизда тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари алоҳида эътиборга олингани диққатга молик.

Стратегияга мувофиқ сифатли тиббий хизматни халққа тобора яқинлаштириш учун бирламчи бўгин муассасаларини энг илғор ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш, тизимни рақамлаштириш ташхис ва даволаш ишларига мутлақо янги ёндашувларни олиб кириш жадаллашади. Бинобарин, халқ саломатлигини, миллат генофондини асраш мамлакат ижтимоий барқарорлигининг асосий шартлари ҳисобланади.

Маълумки, Асосий Қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани қатъий белгиланиб, давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари уч бараварга ошди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликка барҳам бериш, ёшларни рақобат муҳити ортиб бораётган меҳнат бозори талаблари асосида таълим ва касб-хунарга йўналтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тўлақонли қафолатлаш мажбурияти юкланди.

Стратегия лойиҳасида мазкур йўналишлардаги вазифалар ҳам йиллар кесимида келтирилган. Айтийлик, юртимизда камбағаллиқни 2026 йилда 2022 йилга нисбатан икки баробарга, 2030 йилга қадар эса узил-кесил қисқартириш, камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш, меҳнатга лаёқатли қатлам, шу жумладан, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида ишсизлиқни 7 фоизгача тушириш кўрсатиб ўтилган. Ёшларнинг замонавий касблар билан машғул бўлиши учун ҳар бир вилоятда “Креатив парклар”ни ташкил қилиш, уларга йилига камида 40 минг нафар йигит-қизларни жалб этиш, мактаб битирувчилари камида 2 та хорижий тил ва 1 та касбини эгаллашини рағбатлантириш, бундан ташқари 2 млн нафар фуқарони касб-хуна, тадбиркорлик кўникмаларига ва чет тилларига ўқитиш камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудлар сафини кенгайтиришда, аҳолининг турмуш даражасини оширишда жиддий қадамлардан бўлиши тайин.

Мана шундай эзгу мақсад стратегиянинг иккинчи устувор йўналиши - Барқарор иқтисодий ўсиш оркали аҳоли фаровонлигини таъминлашга доир қатор вазифаларнинг ҳам түб негизи саналади. Унга кўра, галдаги тўрт йил ичида иқтисодиёт ҳажмини икки баробарга ошириб, даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар сафидан жой олишдек улкан марра юртимиздаги ҳар бир инсоннинг ислохотлардан розилик ҳисси билан, ҳар бир оиланинг бадастир яшашига замин яратади. Бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ижтимоий соҳада йиғилиб қолган барча муаммоларни ечиш имкониятини кенгайтиради.

Пухта ёндашувларга таянилган бундай комплекс вазифаларни

-Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

- Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;

- “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналишларида ҳам кўрамиз.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон - 2030” стратегияси ижро этилиши юзасидан аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориб, сўровномалар, жамоатчилик мониторинги натижалари юзасидан эшитувлар ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини кенг жамоатчиликка тақдим этиб бориш тадбирларига ўрин берилгани яна бир эътирофли жиҳатдир.

Дарҳақиқат, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини ижтимоий фаровонлик, иқтисодиёт, сиёсат ва хавфсизлик соҳаларида кўп қиррали ислохотларни режалаштиришнинг асосий платформаси, дейиш мумкин. Ушбу эволюцион тараққиётнинг “йўл харитаси” янги руҳ ва такомиллашган мазмунда амалиётга татбиқ қилиниши айни зарурат.

Стратегия лойиҳасида белгиланган мақсад-вазифалар шунчаки рақамлар эмас, бу халқимиз ҳаёт сифатини ошириш, кенг кўламли ислохотларга “инсон-жамият-давлат” тамойилини чуқур сингдириш, халқаро стандартлар даражасида давлат хизматларини шаффофлаштириш, ёшларни юрт тақдири ва истиқболини ҳимоя қилишга қодир авлод этиб камолга етказиш учун ишлаб чиқилган дадил қадамлар, десак янглишмаймиз. Лойиҳа юзасидан жамоатчилик фикр-мулоҳазалари, таклифлари ўрганилиши, халқ хоҳиш-иродаси инобатга олиниши демократик ислохотларнинг ёрқин кўриниши, албатта.

Айтгандай, 2026 йилнинг 13 январь, куннинг биринчи ярмига қадар uzbekistan2030.uz онлайн платформасига 800 дан ошиқ таклифлар келиб тушган. Жараён эса давом этмоқда.

Жамоатчилик муҳокамасида Сиз ҳам иштирок этинг, фикр-мулоҳазаларингизни билдириңг.

Унутмайлик, Янги Ўзбекистоннинг тақдири ҳар биримизга, ислохотларга бўлган дахлдорлигимизга боғлиқ.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Болалар – жамиятнинг энг ҳимояга муҳтож қатлами бўлиб, уларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал камолоти мамлакатнинг келажак тараққиётини белгилаб беради. Бугунги глобаллашув ва жадал ислохотлар шароитида эса бу масала янада долзарблашади. Айнан болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.

ҚОНУН ВА ШАРҚ

БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Хусусан, бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир махсус қонунчилик базаси яратилиб, уни ижро этиш юзасидан самарали ҳуқуқий механизм йўлга қўйилди. “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Мазкур қонун билан болаларга нисбатан зўравонликнинг 6 та шаклига таъриф берилиб, уларни содир этишни тақиқлаш ҳамда қонунан таъкиб қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Ҳужжатда болаларга нисбатан салбий муносабатларнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ва уларни самарали амалга ошириш механизмлари ўз аксини топди.

Шунингдек, ҳимоя ордери бериш, жабрланган ёки хавф остидаги болага комплекс ёрдам кўрсатиш, боланинг

ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганда уни қонуний вакиллари қарамоғидан олиб қўйиш каби таъсирчан механизмларга асос солинди.

Жойларда мазкур ҳужжатнинг ижросини тўғри ташкил этиш, жамиятда бу салбий иллатга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш, кўзимизнинг оқу қораси, деб эъозлаганимиз мурғак фарзандларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Президентнинг “2026 – 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу стратегия ўз олдида жуда катта вазифаларни қўйган. Аввало, қаерда бўлмасин, болалар учун хавфсиз муҳит яратиш, бирор ноқулай шароитдаги ўғил-қизларни эрта аниқлаш ҳамда жабрланган

ёки зўравонликка гувоҳ болажонларга комплекс ёрдам кўрсатишни назарда тутати.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда мавжуд айрим бўшлиқлар зўравонликдан жабрланган шахсларга кўмак беришда тўлиқ ҳуқуқий механизмларни таъминлашни, мавжудларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бу каби муаммоларга барҳам беришга қаратилгани билан жуда аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжат асосида

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда аёлларни реабилитация қилиш марказларига зўравонликдан жабрланган шахслар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан мурожаат қилиш ва суд мажлисларида уларнинг вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизга “боланинг энг устун манфаатлари” деган тушунчани киритиш таклиф қилинмоқда.

Айтиш мумкинки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтиради. Зеро, болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш орқали тараққиётнинг мустаҳкам асоси яратилади.

Янги йил бошланиши билан катта режалар тузилиши табиий. Кимдир шахсий мақсадларини белгилаяпти, кимдир эса жамият тараққиётига қаратилган кенг қўламли вазифаларни олдига қўймоқда. Лекин энг муҳими — бу режалар инсон ҳаётида қандай ўзгариш яратишидир.

Жорий йилда партиямиз вакиллари ўз фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш, жамиятда мавжуд муаммоларга ечим топиш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишни асосий мақсад қилиб олган. Бу йилда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, ёшлар ва аёллар фаоллигини ошириш, таълим ва бандлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир оилага кириб бориш мақсад қилинди.

Шунингдек, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар билан очиқ мулоқотни кучайтириш ва амалий ташаббуслар орқали халқ ишончини мустаҳкамлаш партия вакилларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Буни фаолларимиз, партия вакилларининг фикрларидан ҳам билиш мумкин.



Олим РАВШАНОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши
раиси, халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Албатта, янги йилни катта мақсадлар билан қарши олдик. Чунки олдимизда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди. Мамлакатимизда изчил ислохотлар олиб бориляпти. Уларни амалга оширишда ташаббускор бўлиш, электротат манфаатларини дадил туриб ҳимоя қилиш, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари учун курашиш энг асосий мақсадимиздир.

Жорий йилда ҳам ҳар бир ташаббусимиз аниқ режаларга, амалий ишларга ва халқ манфаатига таянган ҳолда олиб борилади. Биз учун энг асосийси — фуқароларнинг муаммоларини эшитиш, уларга ечим топиш ва партия ғояларини ҳаётга татбиқ этишдир.

Ҳозир сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик корпусларининг ваколатлари жуда кенг. Шундан келиб чиқиб, ижроия ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини назорат қилиш, масъулларнинг ҳисоботларини эшитиш эътиборимиз марказида бўлади. Шу маънода депутатларимиз тегишли мутасаддиларга қайси йўналишда ёки ҳудудда иш яхши кетмаётганини кўрсатиб, камчиликлар бўйича жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганиб, масалага биргаликда ечим топиши лозим.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, кексаларимиз, хотин-қизлар ва ёшларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларимиз тизимли давом этади. Ижтимоий ҳимоя, бандлик, таълим ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ташаббусларимиз орқали жамиятда барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашни мақсад қилганмиз. Бу борада жойларда фаол иш олиб бориш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кучайтириш асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

2026 йил юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, вилоятимиздаги барча маҳаллаларга кириб боришни режалаштирдик. Маълумки, партиямизнинг электротат манфаатлари ҳимоясига қаратилган бир қанча лойиҳалари бор. Йил давомида “Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайитириш”, “Депутат маҳаллада”, “Яхшилик ва хайрия” каби лойиҳаларни давом эттирамиз.

Мазкур лойиҳалар натижасида одамлар орасига янада чуқур кириб бориш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағаллиқни қисқартириш билан боғлиқ мурожаатларни ўрганиб, уларни ҳал этиш бўйича чоралар белгиланди. Депутатлар ҳудудларга бориб, аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида сайёр қабулларни мунтазам равишда ўтказишди.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан келиб чиқиб, маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш, иқтисодиётни технологик ва инновацион жиҳатдан ўсишига ҳисса қўиш, касбларни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим вазифаларимиздан бири сифатида белгиланди.

Биз бошлаган ҳар бир иш халқ манфаатига хизмат қилиши, ҳар бир ташаббус амалда ўз самарасини бериши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Бирлик, ишонч ва ҳамжиҳатлик асосида ҳаракат қилган ҳолда, жамият тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориш — бизнинг асосий устувор вазифамиз бўлиб қолади.

КАТТА РЕЖАЛАР БИЛАН АНИҚ НАТИЖАЛАР САРИ...



Зулфия ТҲҲҲҲ,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши
раиси, халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

— Яхши ниятлар, катта режалар билан январни қарши олган ҳолда Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқдик.

Хусусан, унда белгиланган 6 та устувор йўналиш доирасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан келиб чиқиб, йўл харитаси белгилаб олинди.

Маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш

бу Мурожаатномадаги биринчи устуворликдир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади. Айнан маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларимизга баҳо беради. Маҳалла инфратузилмаси яхшиланиши ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш борасидаги ишларни давом эттирамиз.

Албатта, ҳар бир ислохот, ҳар бир ҳаракат замирида инсон манфаатлари устуворлиги таъминланади. Чунки маҳаллаларга эътиборнинг кучайиши, унинг инфратузилмаси яхшиланиши аввало, одамларга қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳаётдан рози бўлиб, мамнун яшаши, турмуш сифатини ошириш мақсадлари билан боғлиқдир. Ахир маҳалла ўзгарса, жамият ўзгаради.

Ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз, бугун маҳалла ҳаётимизга дахлдор бўлган барча масалаларни ҳал этишда халқ ва давлатни бир-бирига яқинлаштириб, муносабатларни тартибга солувчи муҳим тузилмага айланимоқда. Халқ билан бевосита ишлаш, очиқ мулоқот қилишнинг энг самарали механизмига айланди, десак муболага бўлмайд.

Маҳаллабай ишлаш тизимининг ташкил этилгани ҳудудларни ижтимоий-

Ушбу ташаббус ижросида биз ҳам ўз овозимиз, амалий ишларимиз билан ҳисса қўшамиз, албатта.

Хабарингиз бор, барча минтақаларда депутатлар томонидан “Депутат маҳаллада” лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Жорий йилда ҳам ушбу лойиҳани кенг қўламли ва изчиллик билан олиб борамиз. Маҳаллаларга чиқиб, аҳоли билан очиқ мулоқот ўрнатиш, уларни қийнаётган масалаларни жойида ўрганиш ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда ечим топишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу орқали фуқароларнинг мурожаатларига амалий ёндашувни таъминлаш, маҳалла ҳаётини янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

Тахлилларга кўра, лойиҳа доирасида бугунгача 5 мингдан ортиқ ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилалар, ногиронлар ҳамда эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди. Депутатлар томонидан фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида 23260 маротаба учрашувлар, сайёр қабуллар ўтказилди.

Лойиҳа орқали партия фаоллари

иқтисодий ривожлантиришда, ўсиш нуқталарини аниқлашда катта роль ўйнамоқда. Айнан шу бўғин орқали қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни давомлатиш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш чоралари кўриломоқда.

Ҳоким ёрдамчиси институтининг ташкил этилиши ҳам камбағалликнинг олдини олиш бўйича ишларни жойларнинг ўзида ҳал қилиш, аҳолини даромад топишга ўргатиш, ҳудудларни ривожлантириш ва энг муҳими — ишсизликни камайитириш каби мақсадларни мужассам қилгани билан аҳамиятли.

Шундан келиб чиқиб, биз фаолиятимизни қоғозда эмас, амалда кўрсатишни мақсад қилганмиз. Энг аввало, ҳар бир маҳаллага кириб бориш, аҳоли билан аюма-юз мулоқот қилиш ва уларни қийнаётган муаммоларни жойида ўрганиш устувор вазифамиз бўлади.

Партия фаоллари сифатида биз кабинетларда ўтириб қолмасдан, халқ орасида бўлиш, кексалар ҳолидан хабар олиш, хотин-қизлар ва ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали ишончини мустаҳкамлаш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга соламиз. Чунки маҳалла — жамиятнинг пойдевори, ундаги ҳар бир масала эътибордан четда қолмаслиги керак. 2026 йилда айнан шу тамойил асосида иш олиб бориб, ҳар бир ташаббусимиз билан халқимизга яқин бўлишни асосий мақсад қилиб олганмиз.

ва депутатлар кундалик ижтимоий масалалар, одамларнинг оғирини енгил қилиш билан боғлиқ ишларга ҳам бош қўшди. Кимдир бошпанали, яна биров ишли бўлди. Қайсидир маҳаллага сув келган бўлса, яна бир ҳудуддаги хавфли симёғочлар янгиланди. Умуман, йил давомида нафақат ҳудудлар, балки кўнгилашни обод қилиш ҳам устуворлик касб этди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, ҳолидан хабар олиш мақсадида республика бўйлаб “уйма-уй” лойиҳаси амалга оширилмоқда. 15 мингга яқин хотин-қизнинг ҳолидан хабар олинди. Уларни қийнаб келаётган 5 мингга яқин масала аниқланиб, ҳал этиш чоралари кўрилди. Қувонарлиси, 200 дан ортиқ опа-сингилларимизнинг уйли бўлишига ҳисса қўшилди. Демакки, шунча оилага хотиржамлик, қувонч улашилди.

2026 йилда ҳам бу борадаги ишларимиз янада фаоллашади. Дастур ва лойиҳаларимизни ҳаёт талабларига қараб кучайтирялмиз. Бунга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилмоқда.

““

**ҲАММАМИЗ
ХОТИН-ҚИЗЛАРГА
ЭЪТИБОР ЙИЛДАН-
ЙИЛГА КУЧАЙИБ
БОРАЁТГАНИГА
ГУВОҲ БЎЛЯПМИЗ.
УЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ
ВА ЖАМИЯТДАГИ
МАВҚЕИНИ ОШИРИШ,
ОҒИРИНИ ЕНГИЛ
ҚИЛИШ, ҲУҚУҚ ВА
МАНФААТЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШГА
АЛОҲИДА ЭЪТИБОР
БЕРИЛМОҚДА.**

ижросини янада чуқурроқ ўрганиб, амалий натижаларга эришиш муҳим вазифаларимиздан биридир.

**“Ўзбекистон ОВОЗИ” муҳбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**



Жаҳонгир ОЛИМОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши шўъба
мудир:

— Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили. Бу ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила ва ҳар бир инсон ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб киришга қаратилган муҳим ташаббусдир.



Паризод ЗИЁ,
халқ депутатлари Олмазор туман
Кенгаши депутати:

— Ҳаммамиз хотин-қизларга эътибор йилдан-йилга кучайиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Уларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини ошириш, оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда аёлларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга дахлдор ижтимоий муаммоларни ҳал этиш алоҳида устуворлик касб этмоқда. Натижада бугун хотин-қизларимиз нафақат фарзанд тарбиясида, балки турли соҳаларда, маҳаллаларда фидойилик кўрсатмоқда. Энг муҳими, эътибор ва эъзоз самарасини ҳар бир аёл ўз ҳаёти, оиласи мисолида ҳис қилмоқда.

ёхуд самарқандлик Улуғбек Барноевнинг қаҳрамонлиги ҳақида

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Осмоннинг охири» достонида «Осмоннинг охири қаерда?» қабилда савол ўртага ташланади. Ҳеч ким аниқ жавоб топган эмас бу саволга. «Ирмоқнинг охири дарё. Дарёнинг охири денгиз. Осмоннинг эса охири йўқ», дейди.

Хўш, Ватан қаердан бошланади? Самарқандга қилган навбатдаги сафаримиз давомида Ватанимиз тинчлиги йўлида жон берган қаҳрамонларимиз хонадонида бўлдик. Ўша хонадонларда кечган самимий суҳбатлар, қаҳрамонларимизни ёдга олиш асносида юқоридаги саволимга жавоб топгандек бўлдим.

Каттакўрғон шахридаги кўчалардан бирига "Улуғбек Барноев" номи берилган. Пештахтада мағрур турган суратни кўриб, кўзингиз олдида ёвларга бошини эгмаган, халқимиз осейшталиги йўлида мардларча жон берган шерюрак йигитнинг сийрати жонланади.

"Ватан, сендан ажралмоқ – менинг ўлимим,

Сен учун ўлмоқ – менинг тириклигимдир", деган эди Абдурауф Фитрат.

Суратнинг тагида мана шундай битиклар бор. Ғўё бу мисраларни шу йигитнинг ўзи юрак қони билан ёзгандек таассурот қолдирди менда.

Асли каттакўрғонлик Улуғбек Барноевнинг умрига назар ташласак, у аввалдан бир кун келиб, ғаним билан жанг қилишга ҳозирлангандек тасаввур уйғонади кишида.

Улуғбек 12 ёшидан спорт билан жиддий шугўллана бошлади.

Бокс, кураш, айниқса, Шарқ яккакурашида маҳорат сирларини пухта эгаллади. Бу бўйича қатор ютуқларга ҳам эришди. Спортдаги чиниқиш, кучли ирода унинг аскарлик йилларида ғоятда асқотди. Жанговар топшириқларни бажаришда у хамиша сафдошларига намуна бўлди.

Улуғбек мuddатли ҳарбий хизматни тугатиб, ҳарбий соҳада қолишга аҳд қилди. Энг шарафли касбни танлади. Унинг жисмоний, рухий қуввати, касбий маҳорати чиндан ҳам ҳавас қилгулик эди.

2000 йил август ойида Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида террорчи гуруҳларга қарши мардонавор курашган юрт ўғлонлари орасида Улуғбек Барноев ҳам бор эди.

Жанговар вертолётларимиз душман жойлашган тоғ ёнбағирларни бомбардимон қиларди. Бизнинг жангчилар аёвсиз жангда террорчиларни ер тишлатишди. Олдинги сафда душманга қарши курашаётган Улуғбек Барноев яраланган сафдошига ёрдам беришга чоғланган пайти ўзи ҳам яраланди. Мард, жасур қаҳрамонимиз оғир жароҳатдан вафот этди.

Улуғбек Барноев ҳақида сўз борганда, ҳамюртларидан бири шундай эътироф этди:

«Биз фарзандларимизнинг шу йигитга ўхшашини истаймиз. Унинг жасорати, мардлиги ҳар бир ўзбек ўғлонига ибрат бўла олади». Йўл сўраб юзланганимизда эса бизга сафардош бўлиб, қаҳрамонимизнинг хонадонигача кузатиб қўйишди. Бир неча маҳалла нарида яшайдиган ҳамюртлари эътирофидан лол бўлиб кетавердик. Уйининг остонасига етганимизда дарвоза бурчида осиглиқ турган юртимиз байроғига кўзимиз тушиб, кўнглимизда ифтихор тўйдик. Бизнинг келишимиздан хабар топиб илиб қўйишганми, десак, шу атрофда яшовчи қўшилари бу хонадон остонасида доим Ватан байроғи осиглиқ туришини айтиб, гумонимизни тумандай тарқатди. Аслида ҳар бир юрак, ҳар бир уйда Ватан байроғи ҳилпираб туриши қандай гўзал! Халқимизда олма тагига олма тушади, деган нақл бор. Бундай хонадонда тарбия топган инсонлар Улуғбек Барноевдай Ватан учун жон олиб, жон беришга тайёр, шу халқ, шу юрт тинчилигини ҳар недан устун қўядиган йигитни вояга етказмай, яна кимни тарбияласин?!

Бизни ёшлари етмишдан ошган, юзларидан нур ёғилиб турган отахон кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин отахоннинг гапларига қулоқ тутдик.

– Аллоҳ менга Улуғбекни ато қилганда қувончим ичимга сиғмаган, уни илк бор қўлимга олганимда юзида онамники сингари холи борлигини, кафтлари, бармоқлари отамники каби чайир, туғилганидаёқ бармоғимни маҳкам

чангаллаб ушлаб тургани ҳали-ҳануз кўз олдимда турибди. Улуғбекка доим "Ота" деб мурожаат қилардим, жилмайганча югуриб келиб оёқларимга ўтириб оларди.

– Улуғбек ҳақида ўйласам бир воқеа доим ёдимга тушаверади, - дейди қаҳрамонимизнинг волидаси Сабоҳат она. - Мактаб ёшида бир устози билан она-бола тутиниб, уни мендан кам яхши кўрмасди. Устозининг ҳам Улуғбекка меҳри бўлакча эди. Кунлардан бир кун болам йиғлаб келди, "Гапир" десам, «Кетяпти, она» деган гапдан нарига ўтолмайди. "Ким кетяпти, аниқроқ гапир?" десам, яна хўнграб йиғлайди. «Устозим кетяпти», деганидан кейингина тушундим. Кейин билсам, муаллими ўз юртига – Қримга кўчиб кетаётганидан хабар топган болам яхши кўрган инсонини қўйиб юборишни истамай, йиғлаганича ёнимга келган экан. Боламни қанчалар меҳр-оқибатли, яқинларига, Ватанига содиқ эканлигини англаганман ўшанда. Устози ўқувчилари билан вилолашаркан, Улуғбекка яхши ўқишини тайинлаб, қош-кўзидан қайта-қайта ўпиб хайрлашган.

Эртаси куни мен устозимни поездда кузатгани бораман, деб қувониб югуриб келди. Устозининг бугун кетишини кўча-қўйдан эшитганми, жойида туролмай, "Она, менга совға беринг, устозимга бериб юбормоқчиман", деб кўзларимга термулди. "Ўзинг сандиқни оч-да, нимани хоҳласанг, олавер", дедим. Мени ҳам қўярда-қўймай ўзи билан олиб кетди. Вокзалга

етганимиздан сўнг, югуриб ҳамма жойдан устозини қидиришга тушган боламни кўриб менинг ҳам кўзларимда ёш айланди. Болам гоҳ у вагонга, гоҳ бу вагонга кириб устозини изларди. Шу пайт олисдан "Улуғбек" деган овоз келди. Болам жон-жаҳди билан устози томон югуриб, маҳкам бағрига босганча кетмаслигини сўраб ёлворди. Бизни кўрган ҳамма йиғлади. Поезд кўзғаламан дегунча устозини бағридан қўйиб юбормади болам. Сўнг устози кетаётганда "Мени унутманг, агар қайтиб келсангиз, бизниқида яшанг", деб йиғлаганча жўнаб кетаётган поездга термулиб, кўринмай кетгунича жойида қотиб қолди. Менинг шундай оққўнгил, жасур ўғлим бор эди...

Сабоҳат онанинг оғир хўрсинганча ёдга олган хотираларини тинглай туриб, ич-ичимиздан бир садо келади:

–Ўғлингиз ўлмаган, унинг номи барҳаёт! У Ватанга айланган, ОНА!

Бу юрт бор экан, Улуғбек Барноевдай қаҳрамонлар ҳеч қачон ўлмайди. Юқорида Ватан қаердан бошланади, деган саволни ўртага ташлагандим, эсингизда бўлса. Ўзимнинг хулосаларимдан келиб чиқиб айтаманки, Ватан ёв кўзига тик қараб турган йигитларнинг нигоҳида, кўксини душман ўқи келиб тешган онда ҳам заррача ғуруридан ва юрти, халқи олдидаги бурчидан кечмаган аскарларнинг юрак қони тўкилган жойдан бошланади.

Муҳаммадали ҒАФҒОРОВ,
журналист.

ШУКРОНА

ДОРИЛОМОН КУНЛАРНИ КЎРИБ, сермашаққат йилларни унутгандек бўламан, — дейди 100 ёшни қаршилаган Жўра бобо Каримов.

Халқимизга қулай шароит яратиш ва турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида мамлакатимизда хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва боқувчисини йўқотган оидаларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани қувонарли. Айниқса, ногиронлар, беморлар ва кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани кўнгилларга бир олам шодлик ҳамда қувонч бахш этаётгани табиий.

Бу борада Ўзбекистон ХДП Қумқўрғон туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи томонидан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Семинар ва учрашувлар ташкил этилаётгани таҳсинга сазовор. Янги йил байрами муносабати билан 100 ёшдан ошган бир гуруҳ нуронийлар ҳолидан хабар олиниб, уларга қимматбаҳо совғалар топширилгани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

– Ҳозирги кунда ҳудудда 270 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Қумқўрғон туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Мамаражаб Номозов. – Юртдошларимизнинг 17 минг 200 нафарга яқини пенсионер бўлса, 7 нафари юз ёшдан ошган отахон ва онахонлардир. Нуронийлар учун тиббий кўриклар ташкил этилмоқда. Ўз вақтида дори-дармонлар берилаяпти. Сихатгоҳ ва санаторийларга йўлланмалар тақдим қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, пир-у бадавлат инсонлар доимий эътиборимизда. Эъзоз ва эҳтиром кўрсатилмоқда уларга.

– Яқинда 100 ёшни қарши олдим, – дейди "Боймоқли" маҳалласида истиқомат қилувчи Жўра бобо Каримов. – Шундай нурафшон ва фараҳбахш кунларга етказганига шукр. Дориломон дамларни кўриб, сермашаққат йилларни унутгандек бўламан. Кўзлар қувнаб, диллар яйрайди. Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонларимиз тўкин бўлсин.

Хонадонимизга тез-тез меҳмон



келади, денг. Кимдир маслаҳат сўраса, бошқа биров дуо олади. Узоқ умр кўриш сирини сўрайдиганлар ҳам кўп. Бугун хонадонимга келган халқ вакилларидан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Саховатпеша,

хотамтой ва меҳр-мурувватли ана шундай юртдошларимиз сафи кенгайеверсин.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 137. 2690 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda